МИСРДА ҲУКМ СУРГАН ТУРКИЙ СУЛОЛАЛАР

ТЮРКСКИЕ ДИНАСТИИ, ПРАВИВШИЕ В ЕГИПТЕ

TURKIC DYNASTIES IN EGYPT

ARIPOVA ZUKHRA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
doctor of Sciences in History (DSc),
docent of "Al-Azhar department of Arabic language and literature"
doctor of Historical Sciences
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
z.aripova@iiau.uz, aripovazuxra@mail.ru.

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/3

Аннотация. *Ушбу мақолада Мисрда ҳукм сурган туркий сулолалар тарихига бағишланган. Маълумки, нафақат ўз юртида, балки ўзга юртларда яшаб, ҳукмронлик қилган сулолалар кўп бўлган. Шундай сулолалар сирасига туркий сулолалардан тўлунийлар, ихшидийлар ва баҳрий мамлукларни киритиш мумкин. Булар Мовароуннаҳрдан чиққан сулолалар бўлиб, Мисрда ҳукмронлик қилганлар. Бу сулолалар тарихига назар ташласак, улар қулликдан ўзларининг шижоати ва зукколиклари, моҳир лашкарбошиликлари боис халос бўлиб, султон даражасигача эришганларига гувоҳи бўламиз. Бу сулолаларнинг бошқа шоҳ ва султонлардан фарқи шундаки, деярли барча ҳукмдорларга тахт отадан мерос қолиб, тахтга ўтирган бўлсалар, булар Мовароуннаҳрдан ушбу диёрга ғулом сифатида келиб, кейинчалик ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан ҳокимият тепасига кўтарилган.*

Мақолада шундай сулола вакилларидан Абу Аббос Аҳмад ибн Тўлун (835 –884) тарихи тадқиқ этилган. У Бағдодда туғилган бўлиб, келиб чиқиши Бухорога бориб тақалади. Унинг отаси Тўлунни бухоролик ишчилар Нуҳ ибн Асад ас-Сомонийга тақдим қилганлар. Ас-Сомоний 816 йилда Тўлунни бошқа туркийлар каби халифа Маъмунга совға қилган. Халифа Маъмун бу самимий ва ақлли туркий йигитни ёқтириб қолганлиги боис, унинг лавозимини аста-секин кўтара бошлаган. Тўлун йигирма йил давомида қўриқчилар бошлиғи лавозимида фаолият юритган. Унинг вафотидан сўнг ўғли Аҳмад ибн Тўлунни дўсти тарбия қилган ҳам диний, ҳам ҳарбий таълим олишига эътибор қаратган. Аббосий халифа Аҳмад ибн Тўлунни Мисрга волий сифатида юборган, кейинчалик ўзининг шижоати ва ақли боис Мисрда мустақил давлат барпо этган.

Тўлунийлар сулоласи (868–905) халифаликда биринчилардан ҳукмронлик қилган бўлиб, Миср ва Сурияда мустақил маҳаллий сулолага асос солганлар. Тўлунийлар олиб борган қурлиш ишлари, ислоҳотлари боис бу даврни тарихчилар "Олтин давр" сифатида эътироф этганлар. Миср 30 йил давомида яна Аббосий халифалар тасарруфига ўтган. Асли Фарғоналик иккинчи туркий сулола Ихшидийлар (935-969) ҳам Мисрни Аббосий халифалардан ажратиб, мустақил давлатга айлантирган. 969 йилда Фотимийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, ихшидийлар сулоласининг Мисрдаги фаолияти тўхтатилган. 1250 йилда баҳрий мамлуклар ҳукмронликни ўз қўлига олгач, улар 1382 йилгача Мисрни бошқарганлар. Бу даврда кўплаб тарихий иншоатлар барпо этилган, Аббосий халифалик пойтахти Қоҳирага кўчирилган.

Мақолада Мисрда ҳукм сурган тўлунийлар, ихшидийлар ва баҳрий мамлуклар ҳукмдорлари тарихи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *аббосий, халифалар, қул, Миср, туркий, тўлунийлар, ихшидийлар, баҳрий мамлуклар, мамлуклар, масжид, султон.*

Резюме: *Из истории известно, что существовало множество династий, которые жили и правили не только в своей стране, но и в других странах. К таким династиям относятся Тулуниды, Ихшидиды и Бахритские мамлюки из тюркских династий. Это были династии из Мавераннахра, правившие в Египте. Если мы посмотрим на историю этих династий, то увидим, что они поднялись из ранга рабов в ранг султана благодаря своей храбрости и изобретательности, умелому военному руководству. Отличие этих династий от других королей и султанов заключалось в в том, что почти все правители унаследовали трон от своих отцов и после них взошли на престол. Одним из представителей такой династии был Абу Аббас Ахмад ибн Тулун (835-884), который родился в Багдаде и впоследствии переехал в Бухару, где его подарили Нуху ибн Асаду ас-Самани. В 816 году ас-Самани вместе с другими тюрками подарил Тулуна халифу Мамуну. Искренний и интеллигентный юноша понравился халифу Мамуну, он постепенно начал повышать его положение. Тулун служил начальником его охраны в течение двадцати лет. После его смерти его сын Ахмад ибн Тулун воспитывался у друга и сосредоточился на получении как религиозного, так и военного образования. Аббасидский халиф отправил Ахмада ибн Толуна в Египет в качестве наместника, а позже, благодаря своему мужеству и уму, он основал в Египте независимое государство. Династия Тулуни (868–905) была одной из первых, кто правил халифатом, основав независимые местные династии в Египте и Сирии. Историки признали этот период «Золотым веком» благодаря строительным работам и реформам, проведенным Тулуни. Египет снова оказался под властью аббасидских халифов на 30 лет. Ихшиды (935-969),*

вторая тюркская династия ферганского происхождения, отделили Египет от аббасидских халифов и превратили его в независимое государство. После установления в 969 году правления Фатимидов династия Ихшидов в Египте прекратила свое существование. Когда в 1250 году к власти пришли бахритские мамлюкы, они правили Египтом до 1382 года. В этот период было построено множество исторических зданий, а столица Аббасидского халифата была перенесена в Каир.

Ключевые слова:*Аббасиды, халифы, рабы, египтяне, турки, толуни, ихшиды, бахри мамлюки, мамлюки, мечети, султаны.*

Abstract. *It is known from history that many dynasties lived and ruled not only in their own country but also in other countries. Such dynasties include the Tulunids, the Ikhshidis, and the Bahri Mamluks from the Turkic dynasties. These were the dynasties from Mawarannahr who ruled in Egypt. If we look at the history of these dynasties, we will see that they rose from slavery to the rank of Sultan due to their courage and skillful military leadership. They came to this land from Mawarannahr as slaves and subsequently came to power by their actions. The difference between these dynasties and other kings and sultans is that almost all the rulers inherited the throne from their fathers. Of the representatives of such a dynasty, Abu Abbas Ahmad ibn Tulun (835-884) was born in Bagdad. His father Tulun was introduced to Nuh ibn Asad al-Samani by workers from Bukhara. In 816, as-Samani presented Tulun to Caliph Mamun. Tulun served as head of security for twenty years. After his death, his son Ahmad ibn Tulun was brought up by a friend and focused on receiving religious and military education. The Abbasid caliph sent Ahmad ibn Tulun to Egypt as a governor, and later, thanks to his courage and intelligence, he founded an independent state in Egypt. The Tuluni dynasty (868–905) was one of the first to rule the caliphate, establishing independent local dynasties in Egypt and Syria. Historians have recognized this period as the "Golden Age" due to the construction work and reforms carried out by Tulunids. Egypt was again under the rule of the Abbasid caliphs for 30 years. The Ikhshids (935-969), the second Turkic dynasty of Ferghana origin separated Egypt from the Abbasid caliphs and turned it into an independent state. After the establishment of the Fatimids in 969, the Ikhshid dynasty in Egypt ceased to exist. When the Bahri Mamluks came to power in 1250, they ruled Egypt until 1382. During this period, many historical buildings were built, and the capital of the Abbasid Caliphate was moved to Cairo.*

Keywords*: Abbasids, caliphs, slaves, Egyptians, Turks, Tulunids, Ikhshids, Bahri Mamluks, Mamluks, mosques, sultans.*

КИРИШ

Тарихий асарларни кўриб чиқилса, турли даврларда ҳукмронлик қилган кўпгина Турк ҳақонлар, туркий султонлар, хонлар нафақат бизнинг ўлкамизда балки, дунёнинг турли мамлакатларида, ўзларининг шижоатлари, давлат юритиш ва жанговар моҳирликлари билан ажралиб турганлари гувоҳи бўламиз. Бу каби туркий саркардалар қаторида Ҳиндистонда Бобурийлар давлатининг асосчиси сифатида эътироф этиладиган ва бир неча асрлар давомида бу диёрни гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, Месопотамияда эса, Салжуқийлар давлатининг ҳукмдори Султон Алп Арслонни, Мисрда эса Тўлунийлар давлатининг асосчиси Аҳмад ибн Тўлун, Ихшидийлар давлатининг асосчиси Муҳаммад ибн Туғж Ихшид, баҳрий мамлук султонларини келтириб ўтиш мумкин. Жаҳон тарихининг Марказий Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш, Ўзбекистон тарихига янги маълумотларни киритиш орқали ёшларга нафақат Мовароуннаҳрда, балки ўзга юртларда яшаб, ҳукмронлик қилган туркий сулолалар, улар олиб борган ижтимоий, сиёсий, диний, иқтисодий, маданий ҳолат, бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлари, дунё тарихидаги ўрнини кўрсатиб бериш муҳим масалалардан саналади. Бу борада, ўрта асрлар Миср ҳамда Ўзбекистон тарихи орасидаги боғлиқ жиҳатларини кўрсатиб ўтиш аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва Миср алоқаларини тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Хусусан, тарихга назар солсак, келиб чиқиши бухоролик бўлган Аҳмад ибн Тўлун оиласи Мисрда мустақил давлат барпо этиб, "الدولة الطولونية" - Тўлунийлар сулоласига, улардан сўнг Мисрда асли фарғоналик Муҳаммад ибн Туғж Ихшид эса, " الدولة الإخشيدية"-Ихшидийлар давлати, сўнг яна бир туркийлардан бўлган сулола " - "الدولة المملوكيةмамлуклар давлатига асос солган баҳрий мамлук (المماليك البحرية)ларнинг келиб чиқиши Мовароуннаҳр билан боғлиқлиги боис, улар олиб борган сиёсий жараёнлар, Мисрнинг ўрта асрлардаги юксалишига хизмат қилган омилларини кўрсатиш, Марказий Осиё билан муносабатларини, Мисрга туркий халқлар анъаналарини кириб бориши билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш долзарб масала саналади.

УСУЛЛАР

Тадқиқотда амалга оширишда кетма-кет тарзда туркий сулолалар ҳақидаги маълумотлар таҳлили амалга оширилган. Илмий мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик

тамойиллари асосида ёритилган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Мисрда ҳукмронлик қилган туркий сулолалар ҳақида асосли хулосалар чиқарилган.

МУҲОКАМА

Аббосий халифалардан Хорун ар-Рашид (786-809) вафот этгач, ўғиллари Амин ва Маъмун ҳокимият учун кураш бошлаганлар. Вазир ал-Фадл ибн ар-Рабис таъсирида 809 йилда ал-Амин тахтга ўтиргач, ал-Маъмундан бу қарорга эътироз билдирилган хабар олган, уни вазир халифаликда ҳокимиятни мерос қилиб олиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилган. (Flishtinskiy, 2005: 69) Халифа ал-Амин укаси ал-Маъмун бу қарордан норози бўлиб, қабул қилмаслигини яхши биларди, шу сабабли Халифа ар-Рашид даврида шаклана бошлаган, халифа тўлиқ таяниши мумкин бўлган туркий ёлланма аскарларидан ташкил топган қўшин билан укасига қарши ҳаракат қилди. Бу жараёнда ал-Маъмуннинг мавқеи халифа Аминга қараганда юқорироқ эди. У Хоруннинг қонуний қарорларига амал қилган ҳолда фаолият юритган ва унинг қўшинини Хуросон аҳолиси ва қўшинлари қўллаб қувватлаган (Flishtinskiy, 2005:70).

Ал-Амин исёнкор укасига қарши қўшин юборди, лекин Харсама қўмондонлиги остидаги ал-Маъмуннинг кичик армияси ва хуросонлик Тоҳир 811 йилда Ироқ қўшини устидан ғалаба қозониб, ғарб томонга йўналди. Албатта, аббосий халифалик тахти учун кураш давом этган. Тоҳирнинг аскарлари ёрдамида халифа Амин ўлдирилгач, бу курашда туркий аскарларнинг ёрдамида Маъмун ғолиб чиққан. Шу сабабли Аббосий халифа Маъмун (813–833) кейинчалик туркий қуллар хизматидан фойдаланишни маъқул кўрган. Ундан сўнг халифалик тахтига келган халифа Муътасим (833–842) ҳам бу туркий аскарларни хизматга жалб қилган. Аббосий халифалар сулоласи даврида туркийларнинг муттасил ҳарбий хизмати шундан бошланди (Xasanov, 1975:3; Al-Ibodiy, 1982:6-7). Шундан сўнг бошқа халифалар, султонлар, амирлар туркий қулларни сотиб ола бошлаганлар. Ушбу жараёнда халифа ва маҳаллий ҳокимлар ўртасида ҳаттоки ўзига хос мусобақа бошланган эди (Al-Ibodiy, 1982:10). Айниқса, Мисрда Тўлунийлар, Ихшидийлар ва Фотимийлар сулолалари даврида мамлукларни қўшинни тўлдириш мақсадида ҳарбий хизматга жалб этиш жуда кенг тус олган. Бундай ҳарбий хизматни кучайтиришга сабаб қилиб, тарихчилар ўша вақтлардаги халифа, султон ва амирларнинг ҳарбий тайёргарлик кўрган аскарларни кучли қўшинга бирлаштириш ва доимо ҳарбий ҳужумларга зийрак туришлари даркор бўлганини кўрсатиб ўтганлар (Nabil, 2008:7-8). Туркий қўшинларига фақат туркий бек ва амирлар қўмондонлик қилганлар. Туркийлардан тузилган қўшинлар орқали Бағдоддаги Аббосий халифалар доимий равишда ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар, чунки ҳокимлар ҳам аста-секин ўз мавқеларини кўтариб, мустақил бўлишга интилганлар. Шундай ғуломлардан бири Абу Аббос Аҳмад ибн Тўлун (835 –884) Бағдодда туғилган бўлиб, келиб чиқиши Бухорога бориб тақалади. Унинг отаси Тўлунни бухоролик ишчилар Нуҳ ибн Асад ас-Сомонийга тақдим қилганлар. Тўлун асли туркча сўз бўлиб, долун — тўлин ой маъносини билдиради (Nadir Özkuyumcu, 2002:18). Ас-Сомоний 816 йилда Тўлунни бошқа туркийлар каби халифа Маъмунга совға қилган. Халифа Маъмун бу самимий ва ақлли туркий йигитни ёқтириб қолганлиги боис, унинг лавозимини аста-секин кўтара бошлаган. Тўлун йигирма йил давомида қўриқчилар бошлиғи лавозимида фаолият юритган. У 854 йилда вафот этгач, Аҳмад яқин дўсти Ёлбекнинг қарамоғига ўтган. Тўлун ўлимидан олдин, дўстидан хотини ва ўғлига ғамхўрлик қилишини сўраган эди. Шу сабабли у ёш Аҳмадни худди ўз ўғлидек тарбия қилган. Бу даврларда туркийларга бериладиган таълимда дастлаб диний, сўнг ҳарбий таълим берилгани каби Аҳмад ибн Тўлун ҳам диний, ҳам ҳарбий таълим олган. Ҳарбий таълимни Аббосийларнинг янги пойтахти бўлмиш Самаррада, диний таълимни эса Тарсусда ўрганган. У ўзининг тиришқоқ, меҳнаткашлиги, билимга чанқоқлиги билан эътибор қозонган.

Халифалик учун курашлар даврида Мисрда сиёсий ва ижтимоий беқарорлик ҳукм сурди. Аҳмад ибн Тўлун Мисрга келганида, Нил дарёсининг ғарбий қирғоғидан Искандарияни ўз ичига олган Ўрта ер денгизи қирғоғи, Юқори Мисрда Триполи ва Беркагача турли исёнчи гуруҳлар кетма-кет исёнлар кўтарган вақтга тўғри келди. Ҳаттоки минтақанинг Бесса насроний халқи мустақил яшашни хоҳлагани учун қўзғолон кўтарган. Ўлпон ишларига масъул бўлган Ибн Мудаббир маъмурий нуқтаи назардан жуда кучли мавқега эга бўлган. У молиявий ишлар учун масъул бўлиб, халифалик марказидаги қариндошлари туфайли Мисрда ягона ҳокимият вазифасини бажарган. Аҳмад Мисрга келганидан кейин бироз вақт ўтгач, маъмурий ўзгаришлар юз берди. Аббосий

халифанинг Мисрдаги молиявий ишлар бўйича вакили Ибн ал-Мудаббирни мамлакатдан чиқариб юбориб, Мисрнинг бутун молиявий ишларини ўз қўлига олди. Аҳмад ибн Тўлун Ибн ал-Мудаббир муаммосини шу тарзда ҳал қилган. Тўлунийлар сулоласи (868–905) халифаликда биринчилардан ҳукмронлик қилган бўлиб, Миср ва Сурияда мустақил маҳаллий сулолага асос солганлар. Шундан кейин у Мисрдаги қўзғолонларн бостиришга бутун эътиборини қаратди. Бу қўзғолонлар чоғида 870 йилда Аҳмад ибн Тўлуннинг ҳокимияти янада мустаҳкамланди. Аҳмад бу қўзғолонларни 872 йилгача бостиришга эришган. У Мисрда вафодор, содиқ бўлган жангчилардан ташкил топган катта қўшинни йиғди. Бунга асосан Аббосий халифа ал-Муваффақнинг саройидаги нотинч сиёсий вазият, Саффорийларга қарши уруш ҳамда Зинжийлар қўзғолони сабаб бўлган. Византиянинг Дамашққа ҳужуми ҳамда чегарадаги айрим аҳоли пунктларини эгаллаши Аҳмад ибн Тўлунга Сурияни қўлга киритишга янги имкониятлар берди. Чунки фақат халифалик қўшини билан Византияга қарши кураша олмаслигини англаган халифа Мўътамид Аҳмад ибн Тўлундан ёрдам олиш мақсадида мурожаат қилган. Дамашқ чўпонларини Византияга қарши жанг қилиш учун ўз қўмондонлигига берган. Форс кўрфазида Зинжийларнинг тобора кенгайиб бораётган қўзғолонларини бостириш учун халифалик марказига 1 миллион 200 минг динор ёрдам юборган. Муваффакнинг кўпроқ пул, қул ва от сўрашига жавобан Аҳмад бу ёрдамни фақат Аббосийларни хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун қилганини айтган.

Аҳмад ибн Тўлун ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва легитимлаштириш мақсадида Аббосий халифа Муътамидни 882 йилда Мисрга олиб келишга уринади. У Аббосий халифага укаси Аҳмад ал-Муваффақ томонидан зулм ўтказиляпганидан хабардор бўлгани боис, Муътамидга “менинг атрофимда юз минглаб ёрдамчиларим бўлса ҳам, Сизни Бағдодда бирор бир ноҳуш вазиятга тушиб қолмасин, деган хавотирдаман. Сиз жанобларини Мисрга келишингиз тўғри бўлади, деб ўйлайман. Албатта, бу қийинчиликлардан кейин, ҳурматга эришасиз, укангиз ал-Муваффақ Сизни бирор нима қилиб қўяди, деган хавотирга ўрин қолмайди” – деб, хат юборади. Бу билан албатта Аҳмад ибн Тўлун Миср ва Шомда янги давлатини қўллаб қувватламоқчи бўлгани яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга ҳар йили Бағдод халифалиги учун жўнатиладиган жизья солиғини ўлпон сифатида юборишдан бош тортишни, шунингдек, Бағдоддаги унга қарши бўлган рақибларини ҳам парчалашни хоҳлаган. Лекин унинг бу режасини Аҳмад ал-Муваффақ барбод қилади. У Аббосий халифа Муътамидни Мавсилда тутиб олиб, Бағдодга қайтарган. (Ibn al-Asir ibn Ahmad, 1987:148)

Ибн Тўлун Мисрда ҳукмронлиги даврида солиқ тизимини ислоҳ қилиб, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган суғориш тизимини таъмирлатди. Бир неча йиллар давомида Тўлуний султон эски пойтахт Фустатнинг шимол томонида янги пойтахт шаҳар ал-Қатайни қурдирди.

Аҳмад ибн Тўлун даврида Бағдодга аббосий халифаликка жўнатиладиган катта шаклдаги пул ва табиий шаклдаги солиқлар мамлакатда қолди. Мисрни ҳукмдори бўлган Аҳмад ибн Тўлун аҳолисининг фаровонлигини сақлаб қолиш учун бу солиқларни тўлашдан бош тортди. Бу даврда машҳур юртдошимиз Аҳмад Фарғоний томонидан нилометр яратилди. Баъзи маълумотларга кўра Аҳмад Фарғонийни Аҳмад ибн Тўлун Мисрга чақирган. Бу даврларда ҳукмронлик қилган султонлар ўзлари билан донишманд, олиму уламоларни, фақиҳу фуқаҳоларни олиб юришган. Бу албатта, кенгашиш ва маслаҳатлар сўраш учун зарур бўлган. Унинг даврида халқ нисбатан фаровон даврни бошидан кечирди.

Ҳокимиятни сақлаб қолиш учун Аҳмад ибн Тўлун юз минг кишидан иборат ишончли ва яхши тайёрланган армия тузган бўлиб, унинг асосини туркий ва қора қуллари ташкил этган. Бу қўшин ёрдамида у 877 йилда Сурияни кўп қаршилик кўрсатмасдан эгаллаган.

Аҳмад ибн Тўлун Миср ҳимояси учун ҳарбий кемалардан ташкил топган кучли флот ҳам барпо қилган. У Мисрда очарчилик бўлмаслиги учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди, шу сабабли аҳолини ҳурматига сазовор бўлди. Сурияни ишғол қилгач, халифани номини ёнига ўзини исмини қўшиб, тангалар чоп қилдирган. Бунга бағдодлик халифалар қаршилик қилишга кучлари етмаган. Ўзининг ғалабаларидан мағрурланиб кетган Тўлун Хижоз устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилган, лекин Маккани қамал қилиш вақтида, ҳалок бўлган (Zelenev, 1999:45). Аҳмад ибн Тўлун вафотидан сўнг, дастлаб унинг ўғли Аббос тахт учун бош кўтарган, бошқа ўғли Ҳумаравайҳ эса уни ўлдиртириб, 884 йил 10 майда 20 ёшида тахтга ўтирган.

Ҳумаравайҳ Миср сарой аҳлининг қўллаб-қувватлашлари натижасида муваффақият қозонди. Аҳмад ибн Тўлиннинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган аббосий Халифа ал-Муваффақ Мисрга қарши кураш бошлади. Ҳумаравайҳ

Тавоҳин жангида Аббосий халифанинг уни тахтга ағдаришга бўлган уринишларига қарши курашиб, ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга ва яна бошқа ҳудудларни ҳам эгаллашга эришди. Аббосий мағлубият сабабли Миср ва Суриядаги Тўлунийлар сулоласи ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлган. Кейинчалик икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида аббосий халифа Муваффақни ўғли ал-Мутадид Ҳумаравайҳнинг қизи Қатр ан-Надага уйланган (Petrovskiy, Matveyev, 1959:150; Flishtinskiy, 2005:149).

Бироқ, кетма-кет жанглар натижасида ишлатилган харажатлар боис, хазинани бўшаб қолишига сабаб бўлди. 896 йилда унга қарши суиқасд уюштирилгандан сўнг, ички низолар сабабли Тўлунийлар тузуми инқирозга юз тутди (Kennedy, 2004:181).

Аҳмад ибн Тўлун ва унинг ворислари саройининг улуғворлиги эртакнамо кўринишда эди. Тўлунийлар сулоласи вакилларидан Ҳумаравайҳ саройида олтин зал деб аталувчи зал бўлиб, унинг деворлари олтин билан қопланган ҳамда у, хотини ва қўшиқчилари тасвирланган эди. Ҳумаравайҳ ва хотинининг бошида олтин тож чизилган. Маълумки, бу ноёб ҳодиса сифатида эътироф этилган, чунки ислом давлатларида ўрта асрларда одамлар ва ҳайвонларни чизиш таъқиқланган (Petrovskiy N.S., Matveyev V.V., 1959:149-150). Бу сарой ҳашаматли боғнинг ўртасида жойлашган эди.

Ҳумаравайҳ вафотидан сўнг унинг ўғли Жайм тахтга ўтиради. У майпараст бўлгани боис, давлатни янада инқирозига олиб келди. Бир неча ойлар ҳукмронлигидан сўнг, унинг ўрнига укаси Хорун ибн Ҳумаравайҳ (896-905)тахтга ўтирди. Бу даврда кетма-кет бўлиб турган қўзғалонлардан Искандариядаги амакисининг исёнини бостиришга эришган, лекин қарматийлар ҳужумига қаршилик қилишга ожиз эди. Аббосий халифа ал-Муваффақнинг ўғли Халифа ал-Муътадид (892-902)нинг олиб бораётган сиёсий ҳаракатлари, бошқарувчанлик қобилияти боис, кўпгина қўмондонлар Аббосийлар қўшинига ўтиб кетган. 904 йилда Ибн Тўлуннинг икки ўғли, Али ва Шайбон Хорун ибн Ҳумаравайҳни ўлдириб, давлат бошқарувини ўз қўлларига олдилар. Кетма-кет урушлар сабабли мамлакат инқирозга юз тутган, аҳоли урушлардан чарчаган. Шу боис 905 йилнинг январь ойида Аббосий халифаларнинг қўшини қўмондони Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Котиб Фустат шаҳрини босиб олиб, Сурия ва Мисрни эгаллашига, Аббосийлар қўшини ал-Қатай шаҳрини талон-тарож қилишига олиб келди. Тирик қолган Тўлунийлар сулоласи вакиллари Бағдодга юборилган. Шундай қилиб, Мисрдаги Тўлунийлар сулоласига барҳам берилган.

Тарихчилар Тўлунийлар сулоласи ҳукмдорлик қилган 37 йиллик даврни Миср ўрта аср тарихидаги “Олтин давр” деб ҳисоблашади (Bosvort,1971 :73-74). У Миср пойтахти Фустат (эски Қоҳира) да жуда кўп бинолар қурдирган бўлиб, энг машҳури Аҳмад Тўлун масжиди ҳозирги кунга қадар бутун дунё саёҳатчиларини ўзига жалб қилиб келмоқда. (Xodjaeva, 2013:11). Аҳмад Тўлун масжиди шу кунга қадар, ўзгаришларсиз сақланиб қолинган Қоҳирадаги энг катта ҳамда энг қадимги масжидлардан биридир. Ўрта аср тарихчиси ал-Макризийнинг ёзишича, бу масжид қурилиши 876 йилда бошланиб 879 йилда тугалланган. (al-Maqriziy, 2002:265) У “Жабал ашкур” – “шукроналик тепалиги” деб номи билан аталувчи кичик тепаликда қурилган. Бу хашамдор масжид Тўлунийлар сулоласининг маъмурий маркази сифатида хизмат қилган бўлиб, Тўлунийлар сулоласининг пойтахти ал-Қатай шаҳрининг марказий қисми бўлиши мўлжалланган. Масжид ибн Тўлуннинг саройи билан ўраб олинган, минбар ёнидаги эшик унга тўғри масжидга кириш имконини берган (Warner, 2003:5). X аср бошида Ал-Қатай шаҳрини Аббосийлар ҳужумидан вайрон қилинганидан сўнг сақланиб қолинган ягона бино шу масжид ҳисобланади. Аҳмад ибн Тўлун 872 йилда Фустат шаҳрида шифохона ҳам барпо этган.

Аббосий халифаларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги қарийб 30 йил давом этган. Сўнг яна туркий сулолалардан бирини ҳукмронлигига ўтган.

Муҳаммад ибн Туғжнинг аждодлари фаргоналик - Фарғона ихшидлари наслидан бўлган. Унинг бобоси Жофф Фаргона амирларидан бўлиб, халифа Муътасим кўшинида хизмат қилган. Туркий саркарда, асли келиб чиқиши фарғоналик бўлган, Ихшидийлар давлатининг асосчиси – Муҳаммад ибн Туғж (934/935) йилда Миср ноиби бўлиб, халифа ар-Родий (933/934 –940/941)дан ўз насабига мос суғдий “ихшид – подшо” унвонини олган эди.(Bosvort,1971 :76-77) Икки авлоди Аббосий халифалар хизматида бўлган Муҳаммад ибн Туғж Ихшид (935–946) ва унинг сулоласи вакиллари Абдулқосим ибн Ўнжўр / Ўнчўр Ихшид(946-961), сўнг Абулҳасан Али ибн Ихшид (961-966), аввал Алига назоратчи- регент бўлган Абулмиск Кофур (966-968) ва Абулфаворис Аҳмад ибн Али (968-969) кабилар Ихшидийлар давлатини бошқарганлар. Бу сулола ҳам қарийб 35 йил ҳукмронлик қилган. Миср ва Шомдаги Ихшид аскарларининг умумий сони қўриқчилардан ташқари қирқ мингта жангчи бўлган. Улардан саккиз мингтаси мамлуклардан ташкил топган.

Дамашқ шаҳри яқинида хаж зиёратига борувчиларни йўлларини тўсиб, молк мулкларини талон тарож қилинаётганини эшитган Аббосий халифа Муҳаммад ибн Туғжга муаммони бартараф этиш бўйича кўрсатма беради. Муҳаммад муаммони ҳал этиб, уларни тор-мор қилгач, 928 йилда Рамлага, сўнг 930 йилда Дамашқ волийси лавозимига сайланади (Nadir Özkuyumcu, 2002:42). У бу ерда Миср волийси бўлгунга қадар қолади. Мисрда волий вазифасини бажараётган Аҳмад ибн Қайиғлик Аббосий Халифа ар-Родийни ишончини оқламагач, унинг ўрнига 53 ёшли Муҳаммад ибн Туғжни 935 йил август ойида юборган. Бунда у Харож соғлиғини етказиб туриш шартини қўйган. Шундан кейингина Муҳаммад ибн Туғж оиласини Мисрга олиб келди. У фаолияти давомида бир неча бор Аҳмад ибн Қайиғликнинг қаршиликларига дуч келган, чунки Аҳмад Мисрни босиб олиб якка ҳукмрон бўлмоқчи эди. Ихшид сулоласи вакили Мисрни 11 йил бошқарган ва 946 йилнинг 25 июлида 64 ёшида вафот этган (Tangri Berdi, 1992:244).

Мисрга Аббосийлар халифалиги қароргоҳини кўчиришга уринишни Муҳаммад Ихшид 944 йилда Шомга борганида амалга оширишга ҳаракат қилган. Ихшид Шомга Халифа Муттақийни Ҳалабдаги Хамадонийларнинг жабридан ва Бағдоддаги туркий амирларнинг истибдодидан қутқариш мақсадида борган эди. Муҳаммад Ихшид Шимолий Фуротда халифани узоқдан кўргач, отдан тушиб уни ёнигача пиёда боради ва ундан Мисрга ўзи билан боришини сўрайди. Бироқ халифага ўз пойтахти, ўз оиласи қароргоҳини ташлаб кетиш оғир кўриниб, бу таклифни рад этган (Ibn al-Asir ibn Ahmad, 1987:148).

Шимолий Африкани бошқариб келаётган Фотимийлар Мисрни забт этишга интилганлар ҳамда Каҳур Ихшиднинг вафотидан сўнг Мисрни қўлга киритганлар ва 969 йилдан Мисрда Фотимийлар бошқаруви бошланган. Улар Мисрда тахт тепасига келгач, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида катта қўшинга эҳтиёж ошиб борган. Шунга кўра, Фотимийлар туркийлардан ташқари, курдлар, дайламийлар ва ҳатто, жангларда асир тушган ғарбий юртлардан келтирилган қулларни ҳам жалб этганлар.

Салоҳиддин Аюбий (1138 – 1193) – Аббосийлар қўл остига Миср, Ҳижоз ва Яманни бўйсундира олган, фотимийлар сулоласи бошқарувини якунлашга ҳисса қўшган саркарда. У салиб қўшинларига қарши бир қатор юришлар ва жанглар олиб бориб, Фаластин ва Ливан ерларининг кўп қисмини, шу жумладан Қуддусни қайтариб олишга муваффақ бўлган. 1171 йилда Салоҳиддин Айюбий асли курдлардан бўлиб, туркий мамлукларидан тузилган ҳарбий қўшин ёрдамида Миср ҳукмдори бўлган. Унинг бошқаруви даврида туркий мамлуклар сони янада кўпайган. 1174–1175 йилларда Бағдод халифаси Мустазиъ (1170–1180) Мисрда Салоҳиддин Айюбий ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, унга султонлик мансабини берди ва ҳуқуқий томондан ҳам бу лавозимни тасдиқлаган. Албатта, бу султон Салоҳиддин ва унинг издошлари мустақил давлатни бошқаришини англатган. Халифаликни ишончли ҳимоясини таъминлаш учун Салоҳиддин ҳарбий ислоҳотларни амалга оширган. Бунда мисрлик-суданлик қўшин ўрнига курдлар ва туркман, хоразмликлар қўшинлари тузилган. Ушбу мамлукларга иқтоъ ажратилган. Ички ва ташқи курашлар сабабли айюбийларнинг мамлукларга эҳтиёжи янада ошган, бунинг натижасида уларнинг сони ва давлатда нуфузи ортиб, ўз навбатида улар бошқарув масалаларига ҳам аста-секин аралаша бошлаганлар. 1240 йилда мамлук ҳарбийлар Одил II ни тахтдан ағдариб, ўрнига султон Солиҳ Нажмиддинни (1240-1249) қўйганлар. Янги султон мамлуклар сотиб олиш ва уларга шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратган. (Aripova, 2019:203) Солиҳ Нажмиддин туркий мамлукларидан ташкил топган қўшинни Қоҳиранинг жанубий чегараларидаги ар-Равда оролига жойлаштирган ва шу даврдан бошлаб, уларни *"баҳрий мамлуклар"* деб атай бошлаганлар (Xasanov, 1973:158-166)

Бу ном "баҳрий" яъни, туркий мамлуклар жамоасини англатиб, Миср ва Сурияниng сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий бошқарувида XIII асрнинг иккинчи ярмидан XIV асрнинг кўп қисмини ўз ичига олган, баҳрий мамлук султонлари ҳукмронлиги 1250–1382 йилгача бўлган даврни қамраб олган, ўша давр тарихчилари наздида "Давлат ат-турк" туркийлар давлати сифатида номланган (Yosef Koby, 2012:387-410). 1250 йилда Айюбий Султон Туроншоҳнинг ўлими Мисрга хавф солиб турган Людовик IX ва мўғулларнинг таҳдиди вақтига тўғри келган. Бу эса ўз навбатида, ушбу таҳдидларга қарши туришни талаб қилган. Шунда 1249–1250 йиллардаги ал-Мансур минтақасида француз қироли Людовик IX қўшинларини енгишда баҳрий мамлук қисмлари кучли эканликларини намоён қилган. Шундай қийинчилик даврида Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажара ад-Дурни лозим кўрган (Hasan Ali Ibrohim, 1967:36). Шажара ад-Дурни Аббосий халифа Мустаъсим Бағдоддан Қоҳирага Нажмиддин Айюбийга совға сифатида юборган эди. Айюбий тахтга ўтиргач, Шажара ад-Дурнинг ҳам мартабаси ошди, уни Айюб қулликдан озод қилиб, унга

уйланган. Унинг бош маслаҳатчиси мамлуклардан бўлган амир Ойбек эди. Мусулмон умматининг раҳнамоси бўлган Бағдоддаги Аббосий халифа Муътасим аёл кишининг давлатни бошқаришига фатво бермайди ва жиддий норозилигини билдиргач, Айюбий султоннинг беваси Шажара ад-Дур бош қўмондон Ойбекка турмушга чиқишга мажбур бўлган. Муъизиддин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтиргач, "Баҳрий мамлуклари" ҳукмронлиги даври бошланган.

Султон Ойбек ҳокимиятда унга қарши рақиблар кўпайиб кетаётганини билгач, "Мамлакат Аббосий халифа Мустаъсимники, Малик Муъиз, дарҳақиқат, унинг бу ердаги ноиби", деб эълон қилган. (Al-Maqriziy, 1997:375). Аммо тахт учун кураш сабабли малика Шажара ад-Дур турмуш ўртоғи Ойбекни ўлдирган (al-Ibodiy,1994:139). Тахтга ворис сифатида Шажара ад-Дурнинг султон Солиҳ Айюбийдан бўлган ўғли ёшлигида ўлиб кетганлиги, Ойбекдан эса фарзанд туғилмаганлиги сабабли султон Ойбекнинг биринчи хотинидан бўлган ўғли – ал-Мансур Нуриддин Алига (1257–1259) ўтган. Султон Али ёшлиги сабабли унга назоратчи этиб, амир Сайфиддин Қутуз тайинланган. Султон Али давлат ишларига бепарво, ақлсиз, енгил хулқли бола бўлиб, у ўз тенгдошлари билан ҳар хил ўйинлар ўйнаш билан банд бўлган. Қутуз уни тоғдаги қалъага қамаб қўйиб, ўзини Миср султони деб эълон қилган (al-Ibodiy,1994:417). Қутузнинг бу ишидан норози бўлган амирларга: "Биз мўғуллар билан курашиш учун бирлашишимиз керак, бу ишда султонсиз ҳеч нарса қила олмаймиз, агар душманга бўлинган ҳолда қаршилик кўрсатсак, бу нарса яхшиликка олиб келмайди, салтанат ичидаги майда ихтилофлар ҳам шуни тақозо қилади", – дейди. (Abu al-Fido, 1907: 199-200). Бу билан Қутуз Мисрга катта хавф солиб турган, мўғуллар билан курашни қай даражада хавфли эканини кўрсатиб ўтган.

Мамлук султони Қутуз Фаластиндаги Айн Жолутда 1260 йил 5 сентябрда мўғуллар билан жанг қилиб, уларни шиддатли мағлубиятга учратди ва Хулагу қўшинларини орқага улоқтириб ташлаган (Ahmad Shalabiy, 190:235). Аммо Мисрга қайтиш мақсадида Дамашқдан чиққанида уни йўлда Бейбарс бошчилигидаги аскарлар кутиб олиб, Султон Қутузни ўлдирган. Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризийнинг ёзишича: "Султон Қутуз ўлдирилгач, амирлар кенгаши ўтаётган вақтда амир Ақтоий амирларга қарата: "Сизлардан қай бирингиз уни ўлдирдингиз?", деб сўраганида, Бейбарс: "Мен ўлдирдим", деб айтади, Ақтоий: "Ундай бўлса, султон ўрнига тахтга ўтир", дейди" (al-Maqriziy, 1997:436). Шу тариқа султон Малик аз-Зоҳир Рукниддин Бейбарс 1260 йилда тахтга ўтириб, 1277 йилгача ҳукмронлик қилган.

Нисбатан кучли бўлган марказий ҳокимият Мисрда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга имкон берди, султон Зоҳир Бейбарс даврида кўпгина суғориш учун қазилган иншоотлар қайта тузатилди, ундан кейинги султонлар ҳам суғориш иншоотлари қурилиши билан кўп шуғулландилар. Деҳқонларга нисбатан солиқ сиёсати тартибга келтирилди, лекин Арабистон ва Ливия чўлларидан кириб келган кўчманчи бадавий қабилалар билан мамлук султонларининг муносабатлари анча мураккаб эди, чунки жанговар бадавийлар марказий ҳокимиятга бўйсунишдан бош тортиб, исён кўтарар ва тарқоқликка мойил эди. Мағрур бадавийларни тинчитиш савдо йўлларини ҳимоялаш эҳтиёжидан ҳам келиб чиққан, чунки Мисрнинг савдо маркази сифатидаги мавқеи кўтарилган. У орқали Осиё, Африка ва Европа томонларига транзит савдо йўли ўтган, Испания билан олдинги савдо алоқалари янада мустаҳкамланиб, Олтин Ўрда билан янги алоқалар ўрнатилган.

Баҳрий мамлуклар ҳукмронлиги даврида Бағдодда бўлган Аббосийлар халифалиги ўзининг биринчи давридаги куч қудратини йўқотиб, ҳаттоки давлат ишларида келиб чиққан низоларни ҳам бартараф қилишга қодир бўлмай қолган. Бу даврда исломий ҳукмдорлар ҳукмронлигига табрик йўллаш, уларнинг тахтини маъқуллаш билан бир қаторда, элчиларни қабул қилиш каби вазифаларнигина бажарган. Аббосийлар халифасининг турк-ислом давлатлари ўртасидаги зиддиятларни тўхтатиш ва ҳаттоки мўғуллар истилоси Шимолий Сурияга қаратилган пайтда уларга қарши қўшма куч тузиш ҳақидаги илтимослари ҳам туркlар томонидан жиддий қабул қилинмаган. Султон Бейбарс 1258 йилда Бағдодда мўғуллар истилоси натижасида якунланган Аббосийлар халифалигини 1261 йилда Қоҳирага кўчирган. Шу сабабли унинг исми Миср халқи оғзаки ижодида Аббосий халифа Хорун ар-Рашид (786–809) ва Салоҳиддин Айюбий билан бир қаторда тилга олинади. (Aripova, 2020:82-88) Султон Бейбарс ҳақида замонавий араб тадқиқотчи Закий Муҳаммад Ҳасан: "Қўшинни тартибга солиш, уни қаттиққўллик билан бошқариш, йўллар қуриш, денгиз портлари, қалъаларни таъмирлаш, солиқларни енгиллатишини ҳисобга оладиган бўлсак, у буюк бошқарувчи ҳамда катта сиёсатчи, қўғирчоқ ҳукумат сифатида халифаликни Миср пойтахтига кўчириш ҳақидаги Аҳмад ибн Тўлун, Муҳаммад Туғж Ихшидларнинг орзусини муваффақиятли амалга

оширган” – деб, ёзган (Muhammad Hasan Zakiy, 2014:4). Зоҳир Бейбарс олиб борган омма орасидаги оқилона сиёсати, айниқса, унинг салибчиларга қарши кураши, Аббосий халифалик қароргоҳини Қоҳирага кўчира олганлиги туфайли катта обрў-эътиборга сабаб бўлган. Мамлук султонлари Салоҳиддин Айюбий каби сунний йўналишини кўтаришга муваффақ бўлган. Улар бу йўналишдаги мадрасаларни кўпайтириб, таълим борасида ҳомийлик ҳам қилганлар. Мамлук султонлари нафақат ислом дини, балки бошқа дин вакилларига ҳам хайрихоҳ бўлганлар.

Султон Зоҳир Бейбарс тахт ворислик орқали ўтишига ишонмаган, чунки Султон Ойбекнинг ўғли Алини назоратчиси Қутуз томонидан тахтдан ағдарилиб, ўзи Султон бўлганини кўрган. Шу сабабли ўзини ўрнига ўғли Муҳаммад Баракатхон султон бўлишини хоҳлаган. Ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида “*Отабек*” – бош қўмондон фитна ва суиқасдлар уюштирган. Султон Зоҳир Бейбарс ҳокимиятидаги ўз куч қудратини сақлаб қолиш мақсадида, тахтини мерос қолдириш ворислик асосида бўлиши ҳақида янги Низом ишлаб чиққан. Бу мамлуклар давлатида ҳокимиятни мерос асосида бошқариш тизимининг бошланиши эди. Бундай низомни биринчи бўлиб Бейбарс фарзандларида сўнг Қаловун авлодларида кўриш мумкин, отасининг вафотидан сўнг ҳукмдорлик султоннинг энг катта ўғлига ўтган. Агар султоннинг ўғли ёш бўлса, унинг васийлигига назоратчи тайинланиб, ёш султон васий ва амирлар қўлида қўғирчоқ сифатида бўлиб, у назоратчиси ва амирлар буюрган ишларнигина бажара олган. Масалан, Али ибн Ойбек қўмондон Амир Сайф ад-дин Қутуз, султон Саломиш ибн Бейбарс эса қўмондон Амир Сайф ад-дин Қаловун назорати остида бўлиб, бу икки ҳолатда ҳам Қутуз ва Қаловун Миср тахтига ўтирганлар (Hasan Ali Ibrohim, 1967:197). 1264 йилда ўғлини Султон деб эълон қилиб, султонлик рамзлари билан отга миндириб, ўзи пиёда юрган. Амалда эса, Зоҳир Бейбарс султонлик қилган. Султон Бейбарс ўлимидан сўнг унинг ўғли Саид Носир ад-дин Муҳаммад Баракатхон 1277 йилда тахтга ўтирган. Унинг бошқаруви мобайнида Миср амирлари ўртасида низо келиб чиққан. Бу низолар ортида кучли Амир Сайфиддин Қаловун турган. Султон Баракатхон укаси Бадриддин Саломишга ўрнини бўшатиб берган. Султон Саломиш тахтга ўтирганида жуда ёш бўлиб, ўша вақтда Сайфиддин Қаловун бош қўмондон мавқеига эга эди. У янги султоннинг васийси ҳам бўлган. Саломиш султон бўлгани билан қўмондон Қаловун олдида ожиз эди. Саломиш тахтга ўтирганидан 3 ой ўтгач, Қаловун “а*л-жабал”* қалъасига амир, қози ва аъёнларни йиғиб, султон жуда ёшлигини, тажрибасизлигини, давлатни бошқараётган султон кучли бўлиши даркорлигини тушунтирган. Бу йиғилишдан сўнг 1279 йилда қўмондон Амир Сайфиддин Қаловун Мансур номи билан тахтга ўтирган. Унинг ўғиллари ва авлодлари ҳукмдорлиги қарийб 100 йил баҳрий мамлуклар даври якунигача давом этган. Маълумки, Қаловундан сўнг унинг авлодидан 9 та султон чиққан бўлиб, улардан тахтга ўтирганларининг 5 таси 20 ёшдан, тўрттаси 10 ёшдан кичик бўлиб, табиийки, бу ҳолатда султон худди Қутуз қўлида Али, Қаловун қўлида Саломиш, бўлгани каби амирлар қўлида қўғирчоқ каби эди (Hasan Ali Ibrohim, 1967:57-58). Султон Қаловун Бейбарс сиёсатини давом эттириб, Шом мамлакатларидан салибчиларни ҳайдаб чиқариб, мўғулларга қарши кураш олиб борган. Султон Қаловуннинг ўғили Малик Носир Муҳаммад (1309–1340) даврида ҳокимият янада мустаҳкамланган. У ҳам мўғуллар устидан ғалаба қозониб, мамлакат аҳолиси турмушини енгиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрган, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдони кенгайтирган. У ҳокимиятни бошқарган даврида шакарқамиш, туз, парранда, қайиқ, чорвалар учун солиқ тўлови бекор қилинган. Лекин халқни ҳаёт тарзини яхшилаш учун бу чора-тадбирлар етарли бўлмаган. Кетма-кет олиб борилган урушлар натижасида мамлакат аҳли чарчаб, ночор ҳолга келган. Султон Носир вафотидан сўнг ички тортишувлар, тахт учун курашлар, очлик, вабо тарқалиши қашшоқликка ва беқарорликка олиб келган. Айниқса, 1349 йилда етти йил давом этган вабо эпидемияси катта қийинчиликларни юзага келтириб, бунинг натижасида кўпчилик қирилиб кетган (Aripova, 2020:18-22). Бу даврда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий инқироз юзага келган.

Султон ал-Малик ан-Носир Ҳасан ибн ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловун 1334 йилда туғилган. Дастлаб, Қамарий, сўнг Ҳасан исми билан танилган. 1347 йилда у Миср султони бўлган. Бу вақтда 13 ёшда бўлгани учун давлат ишлари ноиби амир Бибға унга васий сифатида тайинланган (al-Maqriziy, 2002:317). 1350 йилда қозилар уни давлат ишини бошқариш ёшига етган деб топишиб, ҳукмронлик ишларини олиб борадиган икки амир Бибға ва Манжакни ҳибсга олганлар. 1351 йилда унинг укаси, Солиҳ тахтга ўтирган. 1354 йилда Миср султони сифатида ан-Носир Ҳасан иккинчи марта тахтга кўтарилган. Бу даврда туркий амирлари ўртасидаги рақобат кучайиб, тахт учун курашлар авж олган. Унинг

ёнидаги амири Шайх ал-Умарий, унинг вафотидан сўнг амир Сариғтамиш ан-Носирий давлат ишларига аралашган. Бундан ғазабланган амирлар ва Султон Ҳасан бир гуруҳ амирлар билан келишиб, ундан қутулишга рози бўлганлар. У ҳибсга олиниб, султон томонидан тасдиқланган Кенгаш қарори билан унинг пуллари амир Йилбуғага ўтган (Abu al-Hamd Mahmud Farg'aliy, 2002:122). Амир Йилбуға, ўз навбатида, мамлуклар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди, бундан Султон қўрқиб, мамлукларига таяниб янгича сиёсат олиб борган. Султон билан амир Йилбуға келишмовчиликлари кучайиб, султон уни ўлдиришга ҳаракат қилди, аммо у бу ниятига эришмаган. Амир Йилбуға қалъага ҳужум қилган, султон эса қочган. 1361 йилда амирни ҳибсга олганларида, у қочиб кетган. Шундан кейин унинг тақдири ҳақида маълумотлар йўқ.

Қўмондон Амир Китбуға ал-Мансурий султон Носир ҳукмронлигидан бир йил ўтгач, унинг ўсмирлигидан фойдаланиб, ҳокимиятни ўз қўлига олган. Бу даврда қай йўсинда бўлмасин, ҳокимият учун кураш авж олган. Султон ноиби амир Сайфиддин Лочин Китбуғани ўлдирмоқчи бўлган, лекин бу режа амалга ошмай, Китбуға Дамашққа қочгач, ўрнига Лочин тахтга ўтирган. Табиийки, унга қарши суиқасдлар уюштирилган. Бунинг натижасида Мисрнинг икки амири Сайфиддин Тағжий ва Сайф ад-дин Каржийларнинг фитнаси амалга ошиб, Лочинни ўлдирганлар. Халқнинг хоҳиши билан Носир Муҳаммад иккинчи марта тахтга ўтирган. Ҳажга кетганидан фойдаланган султон ноиби Сайфиддин Салор ва Рукниддин Бейбарс (черкес) ҳокимият учун кураш бошлаганлар (Hasan Ali Ibrohim, 1967:199). Ўзаро олиб борилган уруш Бейбарс ғалабаси билан тугаган. Кўп ўтмай Носир Муҳаммад ўз тарафдорлари кўмаги натижасида учинчи марта тахтга ўтирган. Бу ички низоларни бартараф этиш мақсадида мамлакат ички низомига ўзгартиришлар киритиб, хавфсизликни мустаҳкамлаган ҳамда мутлоқ ҳукмдорга айланган. Султон Носир Муҳаммад ҳукмронлиги даврида содир бўлган муҳим ўзгаришлар туфайли мамлуклар давлати тарихида муҳим ўрин тутади. Миср халқи ҳам уни яхши кўриб, унинг тахтда бўлишини барқарорлик, хавфсизлик ва фаровонлик гарови деб билган.

ХУЛОСА

Амалга оширилган таҳлиллар Тўлунийлар сулоласи Аббосий халифалик таркибида мустақил ҳукмрон давлат сифатида қабул қилинган биринчи туркий сулола эканлигини кўрсатади. Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги ғояни аввал Аҳмад ибн Тўлун рўёбга чиқаришга уриниб кўрган, лекин тўлуний султон чақирган Аббосий халифа Муътамидни укаси Аҳмад ал-Муваффақ қаршилиги сабабли бу режа амалга ошмаган.

Аҳмад Ибн Тўлун Мисрда ҳукмронлиги даврида солиқ тизимини ислоҳ қилиб, Аббосий халифаларга солиқ тўлашдан бош тортган, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган суғориш тизимини таъмирлатган. Бир неча йиллар давомида Тўлуний султон эски пойтахт Фустат (ҳозирги Қоҳира)нинг шимол томонида ал-Қатай шаҳрини янги пойтахт сифатида барпо этган.

Аҳмад ибн Тўлуннинг ҳомийлиги ва яратган шарт шароити боис, машҳур юртдошимиз Аҳмад Фарғоний томонидан нилометр яратилган. Тўлунийлар сулоласи ҳукмдорлик қилган даврни кўпгина тарихчилар Миср ўрта аср тарихидаги "Олтин давр" деб ҳисоблашган. У Мисрда жуда кўп бинолар қурдирган бўлиб, энг машҳури Аҳмад Тўлун масжиди ҳозирги кунга қадар бутун дунё саёҳатчиларини ҳайратга солмоқда.

Мисрда Аббосий халифаликдан мустақил фаолият олиб борган иккинчи туркий сулола Ихшидийлар қарийб 35 йил ҳукмронлик қилган. Бу сулола вакили Муҳаммад ибн Туғж Ихшид ҳам Аҳмад ибн Тўлун каби дастлаб Мисрга Аббосий халифа томонидан волий сифатида юборилган кейинчалик мустақил давлат сифатида ажралиб чиққан. Бу сулола вакиларидан 5 та султон Муҳаммад ибн Туғж Ихшид(935-946), Абдулқосим ибн Ўнжўр(946-961), Абулҳасан Али ибн Ихшид (961-966), Абулмиск Кофур (966-968), Абулфаворис Аҳмад ибн Али (968-969) бўлган.

Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги режани иккинчи бор Муҳаммад ибн Туғж Ихшид рўёбга чиқаришга уриниб кўрган, лекин ихшидий султонининг бу таклифидан халифа Муттақий воз кечгани боис бу ғоя амалга ошмаган.

Агар баҳрий мамлук султонлари ҳукмронлигини ўрганиб чиқилса, уни қуйидаги тарзда даврлаштириш мумкин: 1250–1293 йиллар – баҳрий мамлукларнинг тахт тепасига келиши, бирлашуви ҳамда ўз мавқеини кўтара олгани; 1293–1310 йиллар – қарши курашлар, сиёсий беқарорлик даври, 1310–1341 йиллар – султон Қаловун ва баҳрий султонлиги вакили сифатида Носир Муҳаммаднинг учинчи мартта тахт тепасига келиши, 1341–1382 йиллар ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ички зиддиятлар, Мисрга келтирилаётган баҳрий мамлукларнинг сонининг камайиши, черкес (буржий) мамлуклар

сулоласи вакилларининг юксалишига замин яратган ички сиёсий беқарорлик даври.

Бу даврда ҳокимият учун кураш натижасида Султон Ойбек хотини Шажарат ад-Дурр томонидан ўлдирилган. Султон ал-Мансур (1257–1259) даврида мўғуллар Бағдодни эгаллаб олиб, Аббосий халифани ўлдирганлар ва мамлакатнинг барча ишларини 1259 йилда Қутуз (1259–1260) бошқарган. У султон бўлиб, мўғулларни тор-мор қилгач, кейинроқ "Мисрда фаолият олиб борган туркий ҳукмдорларининг энг кучлиси" сифатида эътироф этилувчи амир Бейбарс (1260–1277) томонидан ўлдирилган. Кўриниб турибдики, ҳар бир шахс тахт илинжида султонни ўлдириб, ўзи тахтга эришган, лекин кўп ўтмай, ўзи ҳам бошқа амирлар томонидан ўлдирилган.

Баҳрий султонлар айюбийлар каби, ўз қўшинларини туркий мамлуклар ҳисобидан тўлдириб турганлар. Салоҳ ад-Дин Айюбийнинг юксалишига диний омил сабаб бўлиб, у туфайли Миср суннийлик йўналишига ўтган ҳамда мамлуклар ҳукмронлиги даврида ҳам давом этган. Миср мамлуклар борасида кўпроқ Дашти Қипчоқ ва Кавказга эътибор қаратилган. Аслида, Мисрда Мовароуннаҳр ва Хуросонлик туркийларнинг ўрни ҳам юқори бўлган.

АДАБИЁТЛАР:

1. أبو الحمد محمود فرغلي. الدليل الموجز لأهم الآثار الإسلامية والقبطية في القاهرة. القاهرة: الدار المصرية اللبنانية.، 1991، 302 صفحة، 2002 304
2. أحمد مختار العبادي. قيام دولة المماليك الأولي في مصر والشام. الإسكندرية: المؤسسة الشباب الجامعة للطباعة و النشر والتوزيع. 1982
3. أحمد مختار العبادي. في التاريخ الأيوبي والمملوكي. الإسكندرية: المؤسسة الشباب الجامع.1992
4. أحمد شلبي. التاريخ الإسلامي. القاهرة: مكتبة النهضة المصرية، 1990
5. ابن الاثير علي بن أحمد. الكامل في التاريخ. – القاهرة: دار الكتب المصرية.1987
6. Aripova, Z. (2020). THE LIFE AND STATUS OF WOMEN IN SOCIETY during the MAMLUK PERIOD. The Light of Islam, 2020(2), 18-22. (in Arabic)
7. Aripova Miss, Z. (2020). STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT. The Light of Islam, 2020(1), 82-88. (in Uzbek)
8. Aripova, Z. D. (2019). Mamluk sultans in Egypt and Abbasid caliphs in Cairo. ISJ Theoretical & Applied Science, 10(78), 201-205(in Russian)
9. إسماعيل بن علي أبو الفداء. كتاب المختصر في أخبار البشر. ، تحقيق محمد عبد اللطيف الخطيب.
10. جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي.كتاب النجوم الظاهرة في ملوك مصر والقاهرة. المحقق محمد حسين شمس الدين. بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية. 16 مجلدا.1992
11. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. /Пер. с англ. П.А.Грязневича. М.:Наука, 1971. – 324 с.
12. Зеленев Е.И. Египет. Средние века. Новое время. – СПб., 1999. – С.125– 158
13. 13)История стран Азии и Африки в средние века. Ленинград, 1968.
14. 14) Kennedy, Hugh N. (2004). The Prophet and the Age of the Caliphates: The Islamic Near East from the 6th to the 11th Century (Second ed.). Harlow, UK: Pearson Education Ltd. pp. 181, 310.
15. 15) Yosef Koby. Dawlat al-Atrāk or Dawlat al-Mamālīk? Ethnic Origin or Slave Origin as the Defining Characteristic of the Ruling Elite in the Mamluk Sultanate. – Jerusalem Studies in Arabic and Islam 39, 2012. – P. 387–410.
16. 16) Nadir Özkuyumcu. Tolunoğulları// Türkler. -Ankara: Yenġ türkġye yayinlari, 2002. – s.15-38.
17. 17) Nadir Özkuyumcu. Ixshidiylari// Türkler. -Ankara: Yenġ türkġye yayinlari, 2002. – s.39-
18. 18) Петровский Н.С., Матвеев В.В. Египет – сын тысячелетий. – Л., 1959. Гл. 9. – С. 168– 188.
19. 19) Фильштинский И.М. История арабов и Халифата (750 – 1517г.г.) – М., 2006.
20. 20) Хасанов А.А.Формирование черкесской группировки мамлюков в Египте // Арабские страны, Турция, Иран, Афганистан. История, экономика. М., 1973. – С. 158-166.
21. 21) Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта, при черкесских султанах (1382-1517). Автореферат дисс. на соиск. канд. ист. наук. – М.,1975. – 24 с.
22. 22) Ходжаева Р.Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). Тошкент, 2013.
23. 23) Nicholas Warner. Guide to the Gayer-Anderson Museum in Cairo Cairo: Press of the Supreme Council of Antiquities, 2003. pp. 5.
24. تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقريزى. السلوك فى معرفة دول الملوك. بيروت: دار الكتب العلمية. 1997
25. تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقريزى. المواعظ والاعتبار بذكرالخطط والآثار. بولاق: أوست. 2002
26. حسن على إبراهيم. تاريخ المماليك البحرية. القاهرة: مكتبة النهضة المصرية، 1967. – ص.
27. نبيل أبو علي: الأدب العربي بين عصرين المملوكي والعثماني. غزة: دار المقداد للطباعة. 2008
28. محمد حسن زكي. مصر والحضارة الإسلامية. القاهرة. وزارة الحربية. 2014

LITERATURA

1. Abu al-Hamd Mahmud Farg‘aliy. (2002). Ad-Dalil al-Mujaz liaham al-Osor al-Islomiya va al-Qiptiya fi al-Qohira. aL-Qohira: ad-Dor al-Misriya al-Lubnoniya(in arabic).
2. Al-Ibodiy Ahmad Muxtor. (1992). Fi-t-tarix al-ayyubiy va-l-mamluki. Iskandariyya: Al-muassasa shabbob al-jomi‘a, (in arabic).
3. Al-Ibodiy Ahmad Muxtor. (1994). Qiyom davla al-mamalik al-uvla fi Misr va ash-Sham. Al-Iskandariya: al-muassasa ash-Shabab al-jome’i. (in arabic)

4. Ahmad Shalabiy. (1990). At-tarix al-islomiy. al-Qohira: maktaba nahda al-misriyya(in arabic).
5. Ibn al-Asir Ali ibn Ahmad. (1987). Al-Komil fi-t-tarix (Vol. VIII). Qohira: Dor al-Kutub al-Misriya(in arabic).
6. Aripova Z. . (2020 (1)). STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT. The Light of Islam, 82-88.
7. Aripova, Z. (2020 (2)). THE LIFE AND STATUS OF WOMEN IN SOCIETY during the MAMLUK PERIOD. The Light of Islam, 18-22.
8. Aripova, Z. D. (2019). Mamluk Sultans In Egypt And Abbasid Caliphs In Cairo . Theoretical & Applied Science, 10, 201-205.
9. Ismoil ibn Ali Abu al-Fido. (1907). Al-Muxtasar fi Axbar al-bashar. al-Qohira: al-Husayniyya al-misriyya. (in arabic)
10. Jamol ad-din Abu al-Mahasin Ibn Taghri Birdi. (1992). Jamol ad-din Abu al-Mahasin Ibn TagKitab an-nujum az-zahira fi muluk Misr va al-Qahira. Bayrut: Dar al-kutub al-‘ilmiya(in arabic).
11. Bosvort, K. E. (1971). Musul’manskie dinastii. Spravochnik po xronologii i genealogii. Per. s angl. P.A.Gryaznevicha . Moskva: Nauka.
12. Zeleneyev , E. I. (1999). Egipet:Sredniye veka. Novoye vremya. . SPb: Izd-vo S.Peterburskogo universiteta.
13. Istoriya stran Azii i Afriki v sredniye veka. (1968). Leningrad.
14. Kennedy, H. (2004). The Prophet and the Age of the Caliphates: The Islamic Near East from the 6th to the 11th Century (Second ed.). . The Prophet and the Age of the Cali Harlow.: UK: Pearson Education Ltd.
15. Koby, Y. (2012). Dawlat al-Atrāk or Dawlat al-Mamālīk? Ethnic Origin or Slave Origin as the Defining Characteristic of the Ruling Elite in the Mamluk Sultanate. Ethnic Origin or Slave Origin as the Defining CharacJerusalem Studies in Arabic and Islam 39(39), 387-410.
16. Özkuyumcu , N. (2002). Tolunoğulları// Türkler. -Ankara: Yenġ türkġye yayinlari, 2002. – s.15-38.: Yenġ türkġye yayinlari – s.15-38.
17. Özkuyumcu, N. (2002.). Ixshidiylari. Türkler (pp. 39-59). Ankara: Yenġ türkġye yayinlari.
18. Petrovskiy , N. S.;Petrovskiy N.S., Matveyev V.V. (1959.). Egipet – sin tisyacheletiy. Leningrad.
19. Filshtinskiy , I. M. (2006). Istoriya arabov i Xalifata (750 – 1517g.g.) . Moskva: Vostok Zapad,.
20. Xasanov, A. (1973). Formirovaniye cherkesskoy gruppirovki mamlyukov v Yegipte. Arabskiye strani, Tursiya, Iran, Afganistan. Istoriya, ekonomika, 158-166.
21. Xasanov, A. A. (1975). Sosialno-politicheskiy stroy mamlyukskogo Yegipta, pri cherkesskix sultanax(1382-1517): avtoref... diss. na soisk. kand. ist. nauk. Moskva.
22. Xodjaeva, R. (2013). Mamluklar davri arab adabiyoti (XIII-XV asrlar). Toshkent.
23. Nicholas Warner. (2003) Guide to the Gayer-Anderson Museum in Cairo Cairo: Press of the Supreme Council of Antiquities.
24. Taqiy ad-Din al-Maqriziy. (1997). As-Suluk fi ma’rifa davla al-muluk. Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiyya. (in arabic)
25. Taqiy ad-Din al-Maqriziy. (2002). Kitob al-mavo‘iz va al-i‘tibor bi-zikr al-xutat va al-osor (Vol. II). Buloq: Kaston Viit. (in arabic)
26. Hasan Ali Ibrohim. (1967). Tarix al-mamolik al-bahriyya. Qohira: maktabat an-nahda al-misriyya. (in arabic)
27. Nabil Abu Ali. (2008. .). Al-Adab al-arabiy bayna asrayn al-mamlukiy va-l usmoniy. G‘azo: Dor al-miqdod li-t-tiba‘a. (in arabic)
28. Muhammad Hasan Zakiy. (2014). Misr va-l-hadora al-islomiyya . al-Qohira: Vizora al-harbiyya .(in arabic).